



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 24 октябрь, № 220 (7178)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ САВДО ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари савдо вазири Уилбур Россни қабул қилди.



Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг жорий йил май ойида АҚШга расмий ташрифи икки томонлама кўп қиррали муносабатлар

ни янада юқори даражага кўтариб, стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди.

АҚШ савдо вазинининг Ўзбекистонга ilk ташрифи томонлар эришилган келишувлар ва имзоланган би-

тимлар доирасида муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришдан ўзаро манфаатдор ва уларнинг бу борадаги интилиши муштарак эканидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий куллар экан, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, АҚШ етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари, илгор технологиялари ва тажрибасини жалб этган ҳолда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, банк-молия соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳият мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

АҚШнинг жаҳонга машҳур саноат холдинглари, молия-инвестиция корпорациялари ҳамда банклари раҳбарлари ва вакиллари иштирокида ўтган Ўзбекистонда АҚШ бизнеси ҳафталиги тадбирларининг самарали натижалари чўқур мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда савдо, саноат ҳамда юксак технологиялар, қишлоқ хўжалиги, логистика ва транспорт соҳаларида аниқ лойиҳа ҳамда дастурларни рўёбга чиқаришда амалий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон бозорида Америка компанияларининг фаолиятини кенгайтириш учун қўлай шароитлар яратишга, жумладан, қўшма лойиҳаларни молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

АҚШ савдо вазири давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чўқур миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Шу билан бирга, Уилбур Росс АҚШ Президенти Дональд Трампнинг геосиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликка доир барча масалаларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга юксак ишонч изҳор этилган сўзларини етказди. Бундан ташқари, Дональд Трамп Президентимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Уилбур Росс мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳамда АҚШ бизнесида катта қизиқиш уйғотаётган, унинг Ўзбекистонда фаолият юритиши учун янги имкониятлар очётган ислохотлар суръати ва миқёсини юқори баҳолади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида барча имкониятларни ишга солишга тайёрлик билдирилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот
хизмати сурати.

Бизнес форуми

АҚШ КОМПАНИЯЛАРИ
БИЛАН
2,5 МИЛЛИАРД\$ га
ТЕНГ ШАРТНОМАЛАР
ИМЗОЛАНДИ

Тошкентда Ўзбекистон — АҚШ бизнес форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Америка — Ўзбекистон савдо палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда парламент аъзолари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар ходимлари, АҚШ сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев, Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Холмуродов, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси К. Лэмм, АҚШ савдо вазири У. Росс икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, бунда давлат раҳбарлари учрашувлари доирасида эришилган келишувлар мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил май ойида АҚШга расмий ташрифи чоғида турли соҳалар бўйича қиймати қарийб 5 миллиард долларлик шартномалар имзоланди. Яна бир эътиборли жиҳати, ушбу давлат мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қиришга бўлган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келаяпти.

Бу галги нуфузли тадбирда ilk бор АҚШ савдо вазири, қолаверса, ушбу мамлакатнинг қатор таниқли брендлари вакиллари иштирок этгани давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга бўлган интилиш нақадар юқори эканлигидан дарак беради.

Юртимизда АҚШнинг "General Electric", "Boeing", "CNH Industrial", "John Deere", "Honeywell", "Silverleaf" каби компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Машинасозлик, нефть-газ ва газ-кимё, электр энергетикаси, тўқимачилик ҳамда озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида қиймати 5 миллиард доллардан зиёд истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётгани, шу йилнинг ўзида АҚШ инвестициялари иштирокида 25 та янги корхона очилгани, ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайгани, тўқимачилик соҳасида бу кўрсаткич 332 миллион долларга етгани ҳам диққатга сазовордир.

Яқинда республикаимизда жаҳондаги етакчи юридик компаниялардан бири, йиллик пул айланмаси 1,5 миллиард доллардан зиёд бўлган "White & Case"нинг расмий ваколатхонаси очилди. Буларнинг барчасида 1993 йилда ташкил этилган ва жорий йилда 25 йиллиги нишонланаётган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси муҳим роль ўйнаётгани, шубҳасиз. Унинг таркибидан АҚШнинг дунёга машҳур 37 та компанияси, инвестиция корпорациялари ва банклари жой олган.



Уилбур РОСС: «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЮКСАК ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ»

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Америка бизнес форумида иштирок этган АҚШ савдо вазири Уилбур Росс юртимиздаги ислохотлар ва хорижий инвесторлар учун яратилаётган имкониятларнинг аҳамияти ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

Эксклюзив интервью

— Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан беҳад мамнунман. Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ҳамда уларга халқнинг хайрихоҳлиги диққатга сазовор. Ушбу янгиланишлар мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитнинг яхшиланишида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бу, албатта, барқарор тараққиётга хизмат қилиб, нафақат Ўзбекистон, балки минтақа учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Давлатларимиз ўртасида бизнес имкониятларини кенгайтиришга АҚШ ҳукумати ҳам катта қизиқиш билдираётганини таъкидлаш жоиз. Мазлумки, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил май ойида АҚШга расмий ташриф билан борди, Президент Дональд Трамп билан учрашди. Ана шу тадбирларда мен ҳам иштирок этганимдан бахтиёрман.

АҚШ савдо вазири ҳамда бутун дунёдаги жараёнлардан хабардор киши сифатида шуни айтишим мумкинки,

Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган саъй-ҳаракатлар бизнес вакилларига маҳаллий бозорда ўз ишини йўлга қўйиш учун катта ишонч бағишламоқда. Айнан шундай ёндашув асосида Ўзбекистонда АҚШ бизнес ҳафталиги, Марказий Осиё савдо форуми муваффақиятли ташкил этилди.

Президент Трамп Ўзбекистон етакчиси билан Ар-Риёд, Нью-Йорк ва Оқ уйда ўтказган музокаралари чоғида таъкидлаганидек, АҚШ Ўзбекистонда тараққиёт йўлида олиб борилаётган муҳим жараёнларни қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимиз Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор қаратмоқда. Бизнеснинг вазирлик Ўзбекистон ҳукумати билан минтақада савдони кенгайтириш бўйича иш олиб борапти.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашга оид долзарб масалалар, янги қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Барча қўмита ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этаётган анжуманларида ўтган даврда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинаётир.

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»ДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Хусусан, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоларининг қайд этишича, улар ҳисобот даврида депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган 3 та қонун лойиҳасида иштирок этган, шунингдек, қўмита масъуллигида 12 та қонун лойиҳаси қўйи палата муҳокамасига киритилган. Шулардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган.

Қолаверса, жойларда сув тақчиллигининг олдини олиш, сув ресурслари-

дан оқилона ва мақсадли фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар ижроси устидан самарали парламент назорати амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигида ресурс тежовчи инновацион технологияларни жорий этишда белгиланган имтиёзлар қайта кўриб чиқилиб, қўшимча имтиёзлар бериш бўйича қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилган.



САҲРО БАҒРИДАГИ САЛОҲИЯТИ УЛКАН МАЖМУА

Навоий вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва салоҳияти ниҳоятда юксак. Айниқса, ҳудуднинг етакчи ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланган Навоий кон-металлургия комбинати республикаимиз саноатида муносиб ҳисса қўшиб келаётган гигант субъектлардан биридир.

ФАХР

Комбинат жамоаси, қолаверса, Зарафшон воҳаси аҳли жорий йил ноябрь ойида тарихий сана — Навоий шаҳри ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати ташкил топганининг 60 йиллигини кенг нишонлайди. Шу мақсадда яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Навоий шаҳри ва "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси ташкил топганлигининг 60 йил-

лигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Комбинат тарихи 1958 йилда Учқудуқ ҳудудидаги уран конларини ўзлаштиришдан бошланган бўлса, кейинчалик унинг жамоаси зиммасига олтин ишлаб чиқаришдек муҳим вазифа топширилди.



Кун тарихи

1945 йил 25 апрелда АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида 50 мамлакат вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомини тузиш учун таъсис конференциясини ўтказди.



Унда Ер юзи жами аҳолисининг 80 фоизи вакили сифатида 3 минг 500 га яқин делегатлар қатнашди. 1945 йил 24 октябрь куни 111 банддан иборат БМТ Низоми қатор давлатлар томонидан ратификация қилинди. Шундан бери 24 октябрь — БМТ ташкил топган кун сифатида нишонлаб келинади. Мамлакатимиз БМТга 1992 йилнинг 2 мартида аъзо бўлган. Уша кундан буён давлатимиз байроғи ушбу ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида ҳиллаб турибди.

Муносабат

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга амалга оширган давлат таширфи, кўплаб хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан таърифланганидек, улкан воқеа бўлди. Таширф доирасида қатор тadbирлар ўтказилди. Эътиборлиси, уларнинг кўпчилиги икки давлатнинг ўзаро муносабатлари тарихида илк бор ташкил этилди. “Янги иқтисодиёт учун янги кадрлар” мавзuidaги таълим форуми, “Ўзбекистон — Россия” худудлараро ҳамкорлик форуми, Ўзбекистонда биринчи атом электростанцияси қурилиши лойиҳасининг бошланишига старт берилиши шулар жумласидандир. Юртимизда меҳмон бўлган Россия делегацияси вакиллари ўзаро ҳамкорликдаги ана шундай мақсад ҳамда ғоялар ҳақида фикрларини билдиришди.

Ўзбекистон — Россия: янги лойиҳалар — янги имкониятлар

Александр НОВАК, Россия Федерацияси энергетика вазири:

— Россия Федерацияси ва Ўзбекистон ўртасидаги биринчи худудлараро ҳамкорлик форуми — икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун жуда аҳамиятли воқеадир. Ёқилги-энергетика соҳаси ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Россия ва Ўзбекистон доимо ишончли шериклар бўлиб келган. Россия компаниялари энергетика объектиларини ишлаб чиқиш ва бунёд этишда қатнашган. Айна пайтда бу борадаги ҳамкорлик жадал ривожланмокда. Ўзбекистонда “ЛУКОЙЛ”, “Газпром” каби йирик компанияларимиз фаолият юритмокда. Ўз навбатида, янги лойиҳалар, жумладан, келажакда гидроэлектростанциялар



қуриш, мазкур жараёнларда “Русгидро” компанияси иштироки бўйича, қрлаверса, атом соҳасини ривожлантириш тўғрисида битимлар имзоланди. Бу, албатта, истиқболли ва узоқ муддатли муносабатларимизда мустақам пойдевор бўлади.

Вагит АЛЕКПЕРОВ, “ЛУКОЙЛ” компанияси президенти:



— Компаниямиз Ўзбекистон худудига инвестицияларини йўналитириш учун улкан истиқболларни кўрмокда. Россия Феде-

рацияси Президенти Владимир Путиннинг давлат таширфи чоғида “Ўзбекнефтьгаз” компаниясидаги ҳамкабларимиз билан Ўзбекистон Республикасининг Шимолий худудларини ўрганишга доир меморандумни имзоладик. Бунга мувофиқ, қарийб 45 минг квадрат километр майдон тadbқиқ ва тахлил қилинади. Агар биз углеводород борлиги тўғрисида биргаликда қарор қабул қилсак, геология қидирув ишларининг кейинги босқичига ўтамиз. Умид қиламанки, Ўзбекистон худудига янги нефть-газ манбаларини очамиз.

Денис МАНТУРОВ, Россия Федерацияси савдо ва саноат вазири:

— Ҳар бир давлат таширфи савдо-иқтисодий муносабатларга қўшимча туртки беради. Россия ва Ўзбекистонда умумий йўналишлар кўп. Машинасозлик, автосаноат, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги шулар жумласидандир. Биз фармацевтика соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳақида ўйлаяпмиз. Бу нафақат Ўзбекистон бозори, балки бошқа мамлакатларга ҳам товарлар етказиб берилишини таъминлашга йўналтирилган қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш



имконияти эканлигини тушунамиз. С. АЗИМОВА («Халқ сўзи») ёзиб олди.



«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»ДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?



Айна пайтда кўмита аъзолари экспертлар ва мутахассислар иштирокида қишлоқ хўжалигига оид бир қатор қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрламокда.

Тadbбирда кўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти йўналишида қилинган ишлар, юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларга тўхталиб ўтилди. Кўмитанинг 2018 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тadbбирларни бажариш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга ҳам эътибор қаратилди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА САМАРАЛИ ЁНДАШУВ

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси жорий йилнинг ўтган даврида қонун лойиҳаларини тайёрлаш, парламент куйи палатаси муҳокамасига киритилган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятида қатнашиб, муайян ишларни амалга оширган.

Анжуманда кўмитада амалда 23 та қонун тайёрлангани ва қабул қилингани алоҳида қайд этилди. Айни чоғда назорат-таҳлил фаолияти давомида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотла-

ри, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, ваколатлари ва самарали фаолият юритиши механизмларини кенгайтиришда марказда ҳамда жойларда турли тadbбирлар ўтказилганга ургу берилди. Депутатларнинг эътирофи этишча, халқаро йўналишда-

Шунингдек, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси билан боғлиқ масалаларнинг ижтимоий муҳим аҳамиятини англаш ва иш ўрнида бунга амал қилиш даражасини ошириш масалалари ҳам иштирокчилар диққат-эътиборида бўлди. Айни чоғда умумтаълим ва касб-хўнар таълими муассасалари дастурларига меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси масалаларини жорий этишга оид қатор таклифлар билдирилди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар бўйича кўмитанинг тегишли таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

ҲАРБИЙЛАРИМИЗ «КЕМБРИЯ ПАТРУЛИ»ДА ГОЛИБ ЧИҚДИ



Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари Буюк Британиянинг Брэкзон шахрида қўшин разведкачилари ўртасида ўтказилган “Кембрия патрули” халқаро танловида биринчи ўринни эгаллади.

Фахр

Қирқ йилдан буён аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада 34 давлатдан 123 жамоа қатнашди. Ушбу танлов дунё ҳарбий хизматчилари ўртасида ўтказиладиган энг мураккаб ва нуфузли мусобақалардан бири ҳисобланиб, у махсус бўлинмаларга саралаш жараёни билан ҳам таққосланади. Бунда асосий эътибор ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигига қаратилади.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Матбуот хизматидан маълум

қилишларича, мусобақада иштирокчилар Кембрия тоғларида тўлиқ жанговар қуролланган ҳолда ҳеч қандай навигация воситаларисиз камида 25 килограмм юк билан 70 километр масофани босиб ўтишлари лозим. Бу йўлда турли баланглик ва пастликларга дуч келишади. Шундай мураккаб синовларда юксак матонат кўрсатган Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар Буюк Британия, Ҳиндистон, Франция, Қозғистон каби мамлакатлар жамоаларини ортда қолдириб, ғолибликка эришди.

Музаффар ҳарбий хизматчиларимиз Ислон Қаримов номи-

даги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кўтиб олинди.

Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида “Кембрия патрули” танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим ўтказилди.

Тadbбирда совриндор ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига миннатдорлик билдирилди. Ғолиблар вазирлиқнинг “Намунали хизмати учун” кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ўтган йили ушбу халқаро беллашувда мамлакатимиз Мудофаа вазирлиги жамоаси илк бор қатнашиб, иккинчи ўринни қўлга киритганди.

Фозилддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Айниқса, мустақиллик йилларида корхонамиз жаҳонда олтин ва уран ишлаб чиқарувчи пешқадам компаниялар биринчи ўнталигидан мустақам ўрин эгаллаб улгурди. Замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган комбинат Қизилқум воҳасининг иқтисодий салоҳияти, саноати, қурилиши, маданиятини юксалтиришда катта кучга айланди. Сахро бағрида қад ростлаган Учқудук, Зарафшон, Навоий, Нуробод, Зафаробод, Заркент, Марҳонбулоқ каби гўзал кентларда бугун кончилар, металлурглр, геологлр, энергетиклар, қурувчилар ва ўз касбининг бошқа етук эгалари оилалари, фарзандлари билан турмушлари янада чиройли бўлиши учун фидокорона меҳнат қилмокдалар.

Гарчи, корхонамиз иш бошлаганида 60 йил тўладиган бўлса-да, у учун Мустақиллик даври янгилиниш, юксалиш, бутун дунёга юзланиш босқичини бошлаб берди. Кейинги ўн йилликда бу ерда амалга оширилган модернизация ва диверсификация тadbирлари

натижасида ишлаб чиқариш жараёни жадал ривожланди. Жаҳон стандартларига мос, ташқи бозорда рақобатдош маҳсулот тайёрлашни таъминлайдиган, илғор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар барпо этилди. Жумладан, учинчи гидрометаллургия заводида сульфидли маъданларни бактериал оксидлаш усулида қайта ишлаш технологияси муваффақиятли жорий этилди. Марказий кон бошқармасида олтинни уюмда ишқорлаш цехи ва “Мурунтов” қонида эмульсион портловчи моддалар заводи, Жанубий кон бошқармасида тўртинчи гидрометаллургия заводи, “Мурунтов” қонида қуввати бўйича жаҳонда ягона бўлган тик-қия конвейери ишга туширилди.

Мамлакат тараққиётининг муҳим йўналишлари Президентимиз томонидан белгилаб берилган

Ҳаракатлар стратегияси халқимиз ва давлатимиз учун тарихий ҳужжатдир. Унда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш, янгилаш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишдек эзгу мақсадлар ўз ифодасини топган. Унинг асосида комбинатда ҳам бир қатор янгиланишлар рўёбга чиқарилмокда. 2026 йилгача қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича давлатимиз раҳбарининг қарорини билан тасдиқлан-

ган дастурга кўра, умумий қиймати 3 миллиард АҚШ долларидан ортқ маблағ эвазига 27 та инвестициявий лойиҳа ҳаётга тadbқиқ этилди. Айниқса, “Ауминчо-Амантой” қони негизида 5-гидрометаллургия заводини барпо қилиш, олтинни уюмда ишқорлаш цехида техноген чиқиндиларни қайта ишлаш комплексини қуриш, “Мурунтов” қони 5-навбатини фойдаланишга топшириш, учинчи гидрометаллургия заводида “Кўкпатас” ва “Довгистов” конларининг ишланиши қийин бўлган рудаларидан олтин ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш каби муҳим лойиҳалар рўёбга чиқарилаётгани диққатга сазовор.



Кейинги икки йилда юрт равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган бундай бунёдкорлик ишлари Истиқлол солномасидан муҳим ўрин эгаллади, давлат раҳбарининг эътиборига сазовор бўлди. Бу эътироф комбинатимиз жамоасига ғурур ва ифтихор бағишлади.

Давр талабидан келиб чиқиб, олдимизда қимматбаҳо металллар қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, инвестициявий лойиҳаларни сўзсиз рўёбга чиқариш, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш, корхоналар учун малакали мутахассислар тайёрлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашдек муҳим ва устувор вазифалар турлибди.

Жамоамиз ҳазрат Алишер Навоийнинг “Нафъинг агар халққа бешакдурур, Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур”, деган байтини шиор қилиб олган. Яъни биз юрт қудрати, эл фаровонлиги учун қанчалик кўп ишласак, ундан, энг аввало, ўзимиз манфаатдор бўламиз.

Навоийликлар меҳнатидан, бугунги кундан рози бўлиб яшаётир. Бунинг учун барча имконият ишга солинган сана олдида ташкил этилаётган тadbбирларда янада яққолроқ намоён бўлаётир.

Қувондиқ САНАҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Навоий кон-металлургия комбинати боши директори.

Қонун кучга кирди

Давлат чегарасидан ўтар экансиз, албатта, божхона ходимлари билан мулоқотга киришасиз. Божхоначилар текшируви сафарларнинг ажралмас бўлагига айланган. Бу ҳолат импорт ёки экспорт билан шугулланувчи тadbбиркорларга ҳам яхши таниш.

Очиги, божхона тизими узоқ йиллар мобайнида мамлакатимиздаги оғриқли соҳалардан бири бўлиб келди. Тизимнинг шаффоф эмаслиги, ортқча бюрократия, божхона назорати ва расмийлаштирувининг мураккаб тартиб-таомиллари юртдошларимиз, айниқса, тadbбиркорларнинг фаолиятига ғов бўлди, бу эса иқтисодий салоҳиятимизга ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Давлат божхона хизмати:

ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Божхона органлари ходимлари ўртасида коррупциявий ҳуқуқбузарлик ва хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатлари кўплаб учраб туриши аҳолининг ушбу соҳа ходимларига нисбатан ишончини сусайтириб қўйди. Натижада юртимиз худудига хорижий давлатлардан маҳсулотларни турли айланма йўллар билан олиб кирувчилар кўпайди.

Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тadbбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳада тўпналиб қолган кўплаб муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур ҳужжат божхона назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари, инновацион услублари ва техник воситаларини тadbқиқ этиш, божхона назорати вақтини максимал даражада қисқартириш, барча таркибий тузилмалар фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорлиқни мустақамлаш борасида кенг имкониятлар беради.

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби божхона тизимини ҳам, аввало, ҳуқуқий жиҳатдан ислоҳ қилиш талаб этилади. Чунки ҳуқуқий асос бирламчи ва таянч нуктадир. Бу ҳолатда божхона хизматининг мақоми, фаолият доирасини аниқ белгилловчи, замонавий услубларда ишлаши учун шароит яратиб берадиган, соҳада ҳар қандай шаклдаги ҳуқуқбузарликлар содир этишга имконият қолдирмайдиган, халқчи қонунга аҳтиёж мажбуз эди. Шу боис “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳмуш қарар қабул қилинди. Мазкур ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда Германия, Франция, АҚШ, Корея Республикаси, Япония, Россия Федерацияси каби давлатларнинг қонунчилиги ўрганилди, тахлил қилинди.

Мазкур Қонун тўғридан-тўғри амал қилувчи, ижро механизмига эга, бошқа қонунности ҳужжатларини талаб этмайдиган янгича шаклдаги ҳужжат бўлди.

Унга мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоялаш, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, қонун ҳужжатлари бузилишлари, жумладан, контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бунга чек қўйиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизматининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шу билан бирга, божхона

органларининг ҳуқуқбузарликлар олдини олиш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш, хавфни бошқариш тизими самарадорлигининг мунтазам мониторингини амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва назоратнинг техник воситаларини қўллаш, божхона ишини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш каби янги вазифалари ҳам мустақамланди.

Ўз навбатида, ташқи савдо операцияларининг мониторингини амалга ошириш, экспорт-импорт шартномалари ижросини тахлил қилиш, ташқи савдо операцияларининг божхона органларига тааллуқли қисмини ўтказишда валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, товарларнинг ташқи савдосига доир божхона статистикасини ҳамда ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш масалалари аниқ белгиллаб берилди.

Яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳар қандай тизимнинг муаммал ва самарадор ишлашида кадрлар муҳим ўрин эгаллайди. Етарли шароит ва имтиёзлар яратилса, ходимга муносиб маош тўланса, ижтимоий жиҳатдан ҳимояланса, у ҳам шунга яраша ишлайди. Шу маънода, божхона ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам ушбу Қонунда алоҳида эътиборга олинди.

Унда ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хизматни ўташнинг батафсил тартиби ва шартлари аниқ белгиллаб берилди. Ходимларни хизматга қабул қилиш, махсус унвонлар бериш, бу унвонларни пасаитириш ва улардан маҳрум қилиш, ходимларни тайинлаш ва озод этиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, уларга таътиллр бериш, хизмат муддатини узайтириш, хизматдан бўшатилиш ва хизматга тиклаш, хизматни ўташ режими ҳам кўрсатиб ўтилди. Аввалги Қонундан фарқи равишда, божхона хизмати органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари аниқ мустақамланди.

Умуман айтганда, мазкур Қонун божхона соҳасидаги ислохотларни ҳаётга тadbқиқ этишда муҳим ўрин тутди. Юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, божхона тизимининг қонуний, очиқ ва шаффоф тарзда да фаолият юритишига хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.

«**RESPUBLICA MULK MARKAZI**» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси ДХХ Давлат чегараларини химоя қилувчи кўмитасига тегишли, Тошкент шаҳрида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 20 113 USB бўлган, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 18 321 000 сўм.
2. 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25 151 USB бўлган, «ЗИЛ-131 APC-14» русумли.
Бошланғич баҳоси — 20 900 000 сўм.
3. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25 097 USB бўлган, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 18 321 000 сўм.
4. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 025 USB бўлган, «ЗИЛ-131» русумли.
Бошланғич баҳоси — 22 599 000 сўм.
5. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 055 USB бўлган, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 16 489 000 сўм.
6. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 17 862 000 сўм.
7. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 206 USB бўлган, «Нексия» русумли.
Бошланғич баҳоси — 20 020 000 сўм.
8. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 196 USB бўлган, «ГАЗ-3110» русумли.
Бошланғич баҳоси — 12 250 000 сўм.
9. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 203 USB бўлган, «ГАЗ-3110» русумли.
Бошланғич баҳоси — 12 250 000 сўм.
10. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 018 USB бўлган, «БЖ-2023» русумли.
Бошланғич баҳоси — 23 275 000 сўм.
11. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 184 USB бўлган, «БЖ-2023» русумли.
Бошланғич баҳоси — 26 700 000 сўм.
12. 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 273 USB бўлган, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 24 205 000 сўм.
13. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 040 USB бўлган, «ГАЗ-3110» русумли.
Бошланғич баҳоси — 13 882 434 сўм.
14. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 060 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 29 307 342 сўм.
15. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 082 USB бўлган, «Урал-4320» русумли.
Бошланғич баҳоси — 22 755 279 сўм.
16. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 080 USB бўлган, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 24 361 941 сўм.
17. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 103 USB бўлган, «ГАЗ-3110» русумли.
Бошланғич баҳоси — 13 805 021 сўм.

18. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 143 USB бўлган, «ГАЗ-3110» русумли.
Бошланғич баҳоси — 8 526 400 сўм.
19. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 168 USB бўлган, «БЖ-2023» русумли.
Бошланғич баҳоси — 22 421 000 сўм.
20. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 134 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 22 754 000 сўм.
21. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 159 USB бўлган, «ЗИЛ-131» русумли.
Бошланғич баҳоси — 26 161 200 сўм.
22. 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 140 USB бўлган, «ЗИЛ-131» русумли.
Бошланғич баҳоси — 24 590 400 сўм.
23. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «ГАЗ-3110» русумли.
Бошланғич баҳоси — 14 898 400 сўм.
24. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 105 USB бўлган, «БЖ-2023» русумли.
Бошланғич баҳоси — 25 063 000 сўм.
25. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «УАЗ-3962» русумли.
Бошланғич баҳоси — 12 443 000 сўм.
26. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 096 USB бўлган, «ГАЗ-66-01» русумли.
Бошланғич баҳоси — 16 045 000 сўм.
27. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 090 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 25 554 100 сўм.
28. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 040 USB бўлган, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 16 231 100 сўм.
29. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 011 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 25 847 200 сўм.
30. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 022 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 29 677 000 сўм.
31. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 023 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 29 677 000 сўм.
32. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/043 USB бўлган, «Нексия» русумли.
Бошланғич баҳоси — 27 748 000 сўм.
33. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/042 USB бўлган, «Нексия» русумли.
Бошланғич баҳоси — 28 735 000 сўм.
34. 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/045 USB бўлган, «Тикко» русумли.
Бошланғич баҳоси — 12 735 000 сўм.

Жиззах вилоятининг Зомин шаҳрида сақланаётган:
35. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25/045 USB бўлган, «ЗИЛ-131» русумли.
Бошланғич баҳоси — 25 139 000 сўм.

36. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25/046 USB бўлган, «ЗИЛ-131» русумли.
Бошланғич баҳоси — 24 303 000 сўм.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманида сақланаётган:
37. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25/139 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 23 756 000 сўм.
38. 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25/019 USB бўлган, «Дамас» русумли.
Бошланғич баҳоси — 23 079 000 сўм.

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида сақланаётган:
39. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 20/020 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 22 436 000 сўм.
40. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 20/090 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 23 090 000 сўм.
41. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 20/030 USB бўлган, «Нексия» русумли.
Бошланғич баҳоси — 25 645 000 сўм.

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида сақланаётган:
42. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/017 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 27 138 213 сўм.
43. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/050 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 25 081 008 сўм.
44. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/082 USB бўлган, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 9 538 547 сўм.

Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳрида сақланаётган:
45. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/022 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 28 200 000 сўм.
46. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/040 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 28 700 000 сўм.
47. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/066 USB бўлган, «ЗИЛ-433362» русумли.
Бошланғич баҳоси — 19 800 000 сўм.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида сақланаётган:
48. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/311 USB бўлган, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 8 185 000 сўм.

Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида сақланаётган:
49. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 8 133 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 71-228-79-52.

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида сақланаётган:

50. 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 191 USB бўлган, «ВАЗ-2123» русумли.
Бошланғич баҳоси — 23 428 000 сўм.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида сақланаётган:

51. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 382 USB бўлган, «ЗИЛ-432732» русумли.
Бошланғич баҳоси — 8 497 775 сўм.
52. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 383 USB бўлган, «ЗИЛ-432732» русумли.
Бошланғич баҳоси — 8 497 775 сўм.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида сақланаётган:

53. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 164 USB бўлган, «ЗИЛ-432732» русумли.
Бошланғич баҳоси — 6 200 000 сўм.
54. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 120 USB бўлган, «ЗИЛ-432732» русумли.
Бошланғич баҳоси — 6 200 000 сўм.
55. 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 165 USB бўлган, «ГАЗ-66» русумли.
Бошланғич баҳоси — 6 806 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 19 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати — 2018 йил 16 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур автотранспорт воситалари 2018 йил 19 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2018 йил 27 ноябрь, 4, 11, 18 декабрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охири муддати — 2018 йил 27 ноябрдаги савдо учун 2018 йил 23 ноябрь, 4 декабрдаги савдо учун 30 ноябрь, 11 декабрдаги савдо учун 7 декабрь, 18 декабрдаги савдо учун 14 декабрь кунлари соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдоларда иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «РММ» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмazor филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома №001805.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИШСIZ ФУҚАРОЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИГА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириликнинг «Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган Ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш марказига ўқувчилар қабул қилинади.

Марказда ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш (қайта тайёрлаш) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади: **автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш** (автомобилларлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), **машинасозлик ишлаб чиқариш технологияси** (токалар, фрезерчилар, пайвандчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), **электр, электроника ва автоматлаштириш** (электрон техника, радио ва телеаппаратуралари таъмирловчи мутахассислар), **ахборот технологиялари** (хисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа турдаги ортехникага хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича мутахассислар).

Касб-хунарга ўқиш муддати 10 ой, шундан марказда ўқиш — 6 ой, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти — 4 ой. Касб-хунарга ўқитиш марказига ҳужжатлар, ўқиш истагини билдирганларнинг ихтиёрий танловига мувофиқ, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш марказининг битирувчиларига эгаллаган касби (мутахассислиги) бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом берилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза, паспорт (асли ва нусхаси), маълумотини тасдиқловчи ҳужжат (диплом ёки аттестат, асли ва нусхаси), соғлиги тўғрисида маълумотнома (086-У форма), ишга жойлаштиришни кафолатловчи уч томонлама (иш берувчи, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази, жисмоний шахс ўртасида) шартнома нусхаси, Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан берилган йўлланма, 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 4 дона рангли фотосурат.

Ҳужжатлар 2018 йил 1 ноябрдан 30 ноябргача қабул қилинади.

Манзил Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 мавзеси.
Мурожаат учун тел 71-251-19-03, 71-251-26-44.
www.vict-uz www.mehnat.uz



«ELXOLDING»



**ЮК ТАШУВЧИ
МОТОЦИКЛАР**

**ТЎЛОВ ШАКЛИ —
ТУРЛИЧА
ВА КРЕДИТГА.**

**Тел.: 93-330-50-00,
71-239-12-54.**

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.



ООО «Butlash Garant Servis»

предлагает бетономешалки российского производства

**1. Бетономеситель
гравитационный
МС-200**

**Технические
характеристики:**
МС-200, геометрический
объем барабана — 200 л, время
перемешивания — 120 секунд,
объем готовой смеси — 110 л,
объем загрузки — 150 л, номи-
нальная мощность — 1 кВт, напряжение питания —
220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

**2. Бетономеситель
гравитационный
СБР-500А.1**

**Технические
характеристики:**
СБР-500А.1, геометрический
объем барабана — 500 л, время
перемешивания — 90 секунд,
объем готовой смеси — 270 л,
номинальная мощность —
1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц,
вес — 270 кг.



Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

**Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А.
Телефоны: 97-760-86-00, 90-370-86-86.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 063 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Тахриратга келган кўлашлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — Х. Тошхўяев.
Набатчи — Р. Шеркулов.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА уюни — 00.35 Тошпирилди — 01.25 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси